5 ИЮН 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

● № 105 (10.101). ● 1991 йил 4 июнь ● сешанба ● Баҳоси 8 тийин.

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида

30 май куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Бозор муносабатларига ўтишга доир тадбирларни амалга ошириш учун раҳбар коммунистлар масъулиятини ошириш юзасидан Сурхондарё вилоят партия комитетининг иши тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Масалани муҳокама қилиш чоғида Сурхондарё вилоят партия комитети, раҳбар коммунистлар бозор муносабатларига ўтишга тайёргарлик юзасидан муайян ишларни амалга ошираётганликлари, лекин бу иш ҳозирги куннинг юксак талабларига жавоб бермаётганлиги таъкидланди. Аввало вилоят партия комитети ва унинг бюроси партия комитетлари, раҳбар коммунистларнинг диққат эътиборини иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги танг ҳолатларни бартараф этиш юзасидан комплекс ва мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қарата олмаяпти, натижада иқтисодий таназзул тамойиллари вужудга келмоқда.

Партия комитетлари хўжалик юритишнинг илғор шаклларини жорий этиш, ишбилармонлик фаолиятини ривожлантириш, фермер хўжаликларини барпо этиш, хусусийлаштириш масалаларига етарли даражада эътибор бермаяптилар. Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан банд қилиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муаммоларини ҳал этиш юзасидан амалий таклифлар киритилмаяпти.

Вилоятда аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни пухта таъминлаш юзасидан ўз вақтида амалий чора-тадбирлар кўриш масалалари эътибордан четда қолган. Термиз шаҳрида кундалик зарур молларни нормага мувофиқ беришни жорий этиш масаласини ҳал қилиш аслида инкор қилинган, аҳолига ер участкалари ажратиб бериш масаласи ҳамма ерда ҳам ҳал қилинаяпти, деб бўлмайди, чакана нархлар ислоҳоти муносабати билан ходимларга компенсация тўлаш учун қўшимча резервлар излаб топилмаяпти.

Бозор муносабатларига ўтишга доир ишларда системали ёндошувнинг йўқлиги ташқи иқтисодий фаолиятга салбий таъсир қилмоқда. Вилоят партия комитети бюроси ва халқ депутатлари вилоят кенгашининг раёсати бу масалаларда изчил йўл тутишмаяпти, баъзида ўз уқувсизлигини кўрсатмоқда. Хорижий валюта маблағларини талон-торож қилиш, талабни таҳлил этмай шартномалар тузиш, валюта бўйича қарздорликнинг вужудга келиши фактлари хўжалик раҳбарлари фаолияти назорат этилмаслигининг натижасидир.

Бу камчиликларнинг ҳаммаси, деб таъкидланди бюрода, кўп жиҳатдан кадрларга нисбатан талабчанликнинг пасайганлиги, раҳбар ходимларнинг вилоятдаги ишлар аҳволи ва унинг ривожланиш истиқболлари учун шахсий масъулияти сусайганлиги билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси қабул қилган қарорда Сурхондарё вилоят партия комитетидан, унинг котиблари Ҳ. Э. Бердиев, В. Г. Грабилиндан, Сурхондарё вилоят ижроия комитетининг раиси, коммунист Т. М. Менглиевдан камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўриш, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди кўрсатмаларини бажаришда вилоят раҳбар коммунистларига нисбатан талабчанликни кучайтириш талаб қилинди. Бир қанча жумҳурият вазирликлари ва идораларининг коммунист раҳбарларига бозор муносабатларига ўтишнинг муаммоли масалаларини ўрганиш учун мутахассислар гуруҳини тузиш ва Сурхондарё вилоятига аниқ-равшан амалий ёрдам бериш вазифаси топширилди.

Бюро мажлисида «Правда Востока» рўзномаси таҳририяти билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мафкура бўлимининг «Правда Востока» рўзномасининг 75 йиллигини тантанали байрам қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди. Қабул қилинган қарорда юбилей комиссиясининг аъзолари, шунингдек 1992 йил апрель ойида ўтказиладиган юбилей тадбирлари тасдиқланди.





● ҒАЛАБА районидаги Дмитров номли колхоз пиллакорлари мўл ҳосил етиштир дилар. Суратларда: (чапда) Ҳайдар ота Элмуродов ҳашарда. (Ўнгда) кўп йиллардан буён 100 килограммдан ошириб пилла топшираётган Марофат Субанова ҳамда Ҳолбуви Сулаймонова. Суратқаш В. ТЎРАЕВ.

## ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент вилоят партия комитети бюросининг мажлиси бўлди. Мажлисда «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг партия сафларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги 1990 йил 21 ноябрдаги қарорини бажариш борасида Ангрен, Олмалиқ, Бекобод шаҳар партия комитетларининг иши тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Ангрен, Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари партия сафларини мустаҳкамлаш, коммунистларнинг жамиятда юз бераётган мураккаб сиёсий ва иқтисодий жараёнларга таъсирини кучайтириш юзасидан ўз иш усул, шакл ва услубларини янгилашга интилаётганликлари таъкидланди. Улар иқтисодий ислоҳотни фаол ўтказиш учун раҳбар коммунистлар масъулиятини кучайтириш, тангликка қарши тадбирларни амалга ошириш, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш муаммоларини ҳал этишда ташаббус кўрсатиш бўйича кўпгина тадбирларни кўрдилар.

Бироқ олиб борилаётган иш савияси шаҳарларда тўпланиб қолган кескин муаммоларга тўла жавоб бермайди. Шаҳар партия ташкилотларида назарий ишнинг аҳамияти сусайтириб қўйилган, бу ҳол улар фаолиятининг сифатига сезиларли таъсир қилмоқда.

Бюро шаҳар партия комитетларига бундан буён одамларни қизиқтираётган масалалар партия ташкилотлари диққат эътиборида бўлиши лозимлигини тавсия этди. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари воқеалар ривожланишига аниқ ва ўз вақтида акс садо бера олишлари, меҳнаткашлар кайфиятларидаги ўзгаришларни тўғри сеза билишлари, вазиятни олдиндан айтиб бера олишлари, энг кўп қизиқиш туғдирган масалаларни моҳирлик билан ажрата олишлари, жамоаларда қулай маънавий-руҳий муҳит яратишлари керак. Партия ташкилотларининг куч-ғайратини бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ ҳолда. одамларнинг кундалик эҳтиёжлари ва узоқ муддатли манфаатларини ҳисобга олиб олдиндан чоралар кўришлари керак. Бу масалаларни коммунистлар муҳокамасига, жамоатчилик, маъмурият олдига қўйиш лозим.

«Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасида 1991 йил 15 майда эълон қилинган «Ташаббусни бой берган райком» мақоласи тўғрисида»ги масала Пискент район партия комитети бюро аъзолари иштирокида муҳокама қилинди.

Мазкур масала юзасидан вилоят партия комитети бюроси аъзолари С. Мамарасулов, Ш. Маҳмудова, В. Гордиенко, С. Сайдалиев, Ш. Жалилов, Ж. Шарипов, Ш. Бобоев, Х. Орипов, М. Холиқова, З. Фозилова ўртоқлар ўз муносабатларини билдирдилар.

Бюро «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасида юқоридаги сарлавҳа билан эълон қилинган мақолада баён қилинган танқидий мулоҳазалар тўғрилигини таъкидлади.

Ўзбекистон Компартияси Пискент район комитети фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, райкомнинг бюроси, котиблари район партия ташкилоти иш услубини янгичасига қайта қуролмадилар, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва меҳнаткашлар турмушини яхшилаш юзасидан Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастури талаблари бажарилишини таъминламаяптилар. Район партия комитети районни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш билан шуғулланмаяпти. Коллегиал идоралар мажлисларида кўриб чиқилаётган масалалар асосан жорий тусда бўлмоқда. Хўжалик ва шўро идоралари раҳбар коммунистлари фаолияти устидан назорат бўшаштириб юборилган. Уларнинг ҳисоботлари етарли талабчанлик қилинмай, номигагина эшитилади.

Район партия комитети аппарати ходимлари, партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари, район партия ташкилоти олдида турган долзарб, муҳим вазифаларни ҳал этишга кўпинча йўналтирилмайдилар. Натижада районни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари амалга оширилмай қолди. Саноатда, қурилиш, ижтимоий соҳада салбий йўналишлар кучайиб бормоқда.

Район партия ташкилоти фаолияти умуман бўшаштириб юборилганлиги туфайли шундай аҳвол юз берди. Бу биринчи навбатда шу билан изоҳланадики, район партия комитети бошланғич партия ташкилотларида кундалик иш олиб боришдан амалда четлашиб қолди, райком ва юқори идоралар қарорларини коммунистларга етказиш ва уларнинг бажарилишини уюштириш билан шуғулланмаяпти.

Район ижтимоий-иқтисодий ривожланишига партия таъсирини сусайтириб юборганлиги, ташкилотчилик ва сиёсий иш савияси пастлиги, барча бўғинлардаги раҳбар коммунистларга талабчанлик сустлиги, оммага ғоявий таъсир кўрсатиш системаси секин қайта қурилаётганлиги учун КПСС аъзолари — район партия комитетининг биринчи котиби Т. Х. Холбоев, район ижроия комитетининг раиси Ж. Отақулов ўртоқларга ҳайфсан эълон қилинди. Йўл қўйилган камчиликларда айби бўлган бошқа раҳбар коммунистларнинг жавобгарлигини муҳокама қилиш район партия комитети бюросига топширилди.

Район партия комитети бюросига Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастурини амалга ошириш, район партия ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш, кўрсатиб ўтилган ишдаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур тадбирлар кўриш топширилди. Сайлаб қўйилган фаолларни, барча коммунистларни партиявий-сиёсий фаолиятнинг энг замонавий усулларини эгаллашга сафарбар қилинсин, уларнинг районни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларини бажаришда фаол иштирок этишига эришилсин, раҳбар коммунистларнинг топширилган соҳада ишнинг аҳволи учун жавобгарлиги оширилсин, вақти-вақти билан уларнинг ҳисоботлари эшитиб турилсин.

Шу мақсадларда район партия комитети бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириши керак. Доимий комиссияларнинг куч-ғайрати ҳам ана шу ишга сафарбар этилсин.

Район партия комитети Советлардаги партия гуруҳлари ишини йўлга қўйиши, совет органларидаги раҳбар коммунистлар фаолияти устидан назоратни кучайтириши, бюро мажлислари, пленумларда уларнинг ҳисоботларини тез-тез эшитиб туриши керак. Мафкура иши жонлантирилиши лозим. Меҳнат жамоаларида юз бераётган жараёнлар чуқур таҳлил қилиниши, коммунистлар билан оммавий-сиёсий ишларнинг янги шакл ва усуллари жорий қилиниши лозим.

Район ижроия комитетига (ўртоқ Ж. Отақулов) районни ривожлантиришнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш ҳамма тадбирлари мажмуасини ишлаб чиқиш тавсия қилинди.

Капитал қурилиш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш суръатлари жадаллаштирилиши, аҳолига савдо, маиший хизмат, транспорт хизмати ва бошқа соҳаларда кўрсатиладиган хизматлар кўпайтирилиши керак.

Аҳолини озиқ-овқат билан бирмунча тўлиқ таъминлаш мақсадида ҳар бир хўжалик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш режаларини сўзсиз бажаришлари керак.

Бюро шунингдек КПСС аъзоси — Тошкент вилоят ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Т. А. Ботировнинг Ўзбекистон ССР халқ депутати вазифаларини қандай бажараётганлиги тўғрисидаги ҳисоботини ҳам тинглади.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Марказий Комитет ва вилоят партия комитети сиёсий маориф уйлари ва кабинетларини ижтимоий-сиёсий марказларга айлантириш тўғрисида»ги қарори шаҳар, район партия комитетлари томонидан қандай бажарилаётганлиги ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

## УЛАР 21 НАФАР ЭДИ

### ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА БАЙНАЛМИЛАЛ ЖАНГЧИЛАРГА ЁДГОРЛИК ЎРНАТИЛДИ





ЧИРЧИҚ шаҳрининг 9-кичик ноҳиясидаги кўчалардан бирида байналмилал бурчларини ўташ пайтида ҳалок бўлган 21 нафар ўғлонларимизнинг порлоқ хотираларига бағишлаб ўрнатилган ёдгорликнинг очилиши бўлди. Митингни Чирчиқ шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби, халқ депутатлари шаҳар Шўросининг раиси Дониёр Азизхўжаев очди.

Шундан сўнг Афғонистонда ҳалок бўлган байналмилал-жангчиларнинг ота-оналаридан Клавдия Бутаярова, Асқариддин Асроров, байналмилал-жангчилардан «Қизил Юлдуз» ордени нишондори, шаҳар Кенгашининг депутати Ғофир Тешаевлар сўзга чиқдилар.

Ёдгорликни байналмилал-жангчилар шаҳар Кенгашининг раиси Валерий Комлев, Улуғ Ватан уруши фахрийлари шаҳар кенгаши раисининг муовини Шавкат Умаров, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эргаш Пирматов, «Қизил Юлдуз» ордени нишондори подполковник Георгий Кудинов ўртоқлар очдилар.

Ёдгорликни меъморлар Ровшан Тўрахонов, Абдурасул Тожиев ва ҳайкалтарош Ровшан Қоратоевлар яратган.

Очилиш маросимида байналмилал-жангчилар шаҳар Кенгашининг муовини Пётр Кудашкин билан суҳбатлашдим:

— Шаҳримизда Афғонистонда хизмат қилган 675 нафар фуқаро бор. Улардан 21 нафари ҳалок бўлган, 21 нафари эса ногирон бўлиб қайтган. Уларнинг оилалари билан узвий алоқа боғлаганмиз. Йигитларимиздан тўрт нафари Кубада даволаниб келди. И. Метакса ва Ш. Асроровга Бельгияда ясалган ногиронлар аравачаси берилди. Ҳалок бўлганларнинг оилаларига қўшимча 200 сўмдан ёрдам пули топширдик.

Митингда байналмилал-жангчилар, ҳалок бўлган байналмилал-жангчиларнинг қариндош-уруғлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳарбий бўлинмалар жангчилари тўпланишди. Тошкент вилояти партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси С. Мамарасулов иштирок этди.

Жангчилар хотирасига мушаклар отилди. Аскарлар саф тортиб ўтишди. Ҳалок бўлган юртдошлар ёдгорлигига гулчамбарлар қўйилди.

Даврон АҲМАД.

СУРАТЛАРДА: ёдгорликнинг очилиш маросимидан лавҳалар.

Муаллиф суратлари.






## БИРИНЧИ БЎЛДИЛАР

Ҳар йили ҳам бу колхоз пиллакорлари қурт боқишда уюшқоқлик кўрсатиб мўл ҳосил олишади. Бу йил ҳам астойдил ҳаракат қилдилар. Бироқ баҳорнинг кечикиб келганлиги ҳадеганда кунларнинг исийвермаганлиги, бунинг устига пилланинг «Ф-5» янги нави парваришланганлиги ишни анча мураккаблаштирди. Қуртларнинг барг ейиши суст бўлди. Дастага кечроқ чиқди.

— Лекин шунга қарамай, — дейди «Партия XX съезди» колхози раиси Б. Фозилов. — Пиллакорларимиз бор маҳоратлари, тажрибаларини ишга солдилар. Барг таъминотида узилиш бўлишига йўл қўйилмади. Хонадонларда кечасию-кундузи ҳароратнинг бир меъёрда сақланиб туришига эришилди. Натижада пилла териш ва топшириш кун сайин кучайди. Хўжалик районда биринчилардан бўлиб режани бажарди.

Давлатга 4 тонна ўрнига ҳозиргача 4 тонна 70 килограммдан ортиқ пилла топширилди. Мамлакат Одилова, Жалил Халилов, Ўринбой Файзиев, Нафиса Одилова сингари пиллакорлар, айниқса, яхши натижаларга эришдилар.

Калинин районидаги бошқа хўжаликлар ҳам пилла топширишда ҳар дамни ғанимат билмоқдалар.

Калинин номли колхоз ҳамда «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» шўро хўжалиги пиллакорлари ҳам кечадан бошлаб режага қўшимча маҳсулот топширмоқдалар.

Н. ИСАЕВ.

